

Мудом Аллоҳнинг тоатида эди



08:00 / 19.02.2021 1897

Ҳаммод ибн Салама айтади: «Қачон Сулаймон ибн Таймийнинг олдига Аллоҳга тоат қилинадиган пайтда борсак, албатта тоат қилаётган бўларди. Қачон намоз пайтида борсак, албатта намоз ўқиётган бўларди. Намоз вақти бўлмаса, ё таҳорат қилаётган, ё беморни зиёрат қилаётган, ё жанозага қатнашаётган, ё масжидда ўтирган бўлар эди. Чунки у Аллоҳга осий бўлишни ёмон кўрар эди».

Эгаларининг уйида эди

Яҳё ибн Холид Бармакий бир куни Ҳорун ар-Рашид билан отда кетаётганди. Йўлда қўйларни кўриб, улар ҳақида сўрашди. «Булар Хуросондан келган ҳадялар, уларни сизга волий Али ибн Ийсо Моҳон жўнатибди», дейишди. Ибн Ийсо Моҳон ўша пайтда Яҳёнинг ўғли Фазлдан кейинги волий эди. Ҳорун унга: «Ўғлинг волийлик пайтида бу қўйлар

қаерда эди?» деб сўради. Яҳё ибн Холид: «Эгаларининг уйида эди», деди.
Ҳорун ар-Рашид жим бўлиб қолди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан